# СОЛИҚЛАР ТАҲЛИЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ АСОСИДА СОЛИҚЛАНИШ ЖАРАЁНИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

***А.Б.Абдуллаев***
*ТДИУ “Молиявий таҳлил”*
*кафедраси доценти*

**Аннотация:** Мақолада солиқлар таҳлилининг аҳамияти, долзарблиги, солиқлар таҳлили мазмуни, солиқлар бўйича харажатлар таркиби, солиқлар таҳлилининг йўналишлари, солиқлар таҳлилини амалга ошириш босқичлари каби масалалари кўриб чиқилган.

**Таянч сўзлар:** солиқлар таҳлили, солиқ харажатлари, солиқ назорати, солиқ маъмуриятчилиги, солиқ аудити, солиқ юки, омилли таҳлил.

Хўжалик юритувчи субъектларда солиқланиш жараёнларини бошқариш масалалари ҳар доим долзарб бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда солиқ тизимида жадаллик билан олиб борилаётган ислоҳотлар, корхонада солиқланиш жараёни бўйича тўғри бошқарув қарорларини қабул қилишни тақозо этмоқда. Бунун учун корхонанинг солиқ тўловларинг таркиби, миқдори ва уларни ўз вақтида бюджетга тўланиши юзасидан доимий ўрганишларни талаб этади. Бунга эса, албатта солиқ тўловларини таҳлилини амалга ошириш асосида эришилади. Солиқланиш жараёнини тўғри бошқариш амалиётдаги фаолиёт юритаётган ҳар бир корхонанинг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Шундай экан, солиқлар таҳлилини такомиллаштириш асосида солиқланиш жараёнини оптималлаштириш бугунги кунда тадқиқ этиладиган долзарб мавзулардан бири эканлигини билдиради.

Мамлакатимизда чоп этилган иқтисодий адабиётларда солиқлар таҳлили бўйича маълумотлар деярли келтирилмаган. Солиқлар таҳли ўз навбатида иқтисодий таҳлилнинг асосий бир бўғини ҳисобланиб, корхонада солиқланиш жараёнини тўғри бошқаришда ва фаолият самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимиз ва хориж адабиётларида келтирилган иқтисодий таҳлил бўйича манбалар таркибини ўрганиш асосида солиқлар таҳлилига қуйидагича таърифни ишлаб чиқдик.

**Солиқлар таҳлили** солиқлар бўйича мажбуриятларини тўлиқ ва ўз вақтида бюджетга ундирилиши таъминлаш, солиқлар таркиби, динамикаси ва ўзгаришига таъсир этувчи омилларни ўрганиш ҳамда уларни назоратини амалга ошириш орқали солиқланиш жараёнини оптималлаштириш ҳисобланади.

Хўжалик юритувчи субъектларда солиқлар таҳлилини амалга оширишда солиқлар бўйича ҳаражатлар таркибини аниқ билиш муҳим ҳисобдланади. Шу сабабли солиқлар бўйича ҳаражатлар таркибига биз қуйидагиларни киритишни лозим топдик:

**Солиқ харажатлари таркиби:**

солиқ ва бошқа мажбурий ажратмаларга ҳисобланган тўловлар суммалари;

солиқ органлари томонидан текширишлар натижасида қўшимча ҳисобланган солиқ суммалари, пенялар, жарима суммалари;

солиқларни режалаштириш, ҳисобга олиш, солиқ маслаҳати, солиқ ҳуқуқи, солиқ аудити ўтказиш бўйича харажатлар;

солиқ ҳисоботларини электрон шаклда тузиш, дастурий маҳсулотларни сотиб олиш, ўрнатиш ва фойдаланиш бўйича харажатлар;

солиқлар бўйича боқиманда суммаларни сўндириш ва бошқа солиқ харажатларини қоплаш учун олинган кредит фоизлари кўринишидаги харажатлар;

солиқ тўловчиларга солиқни тўлаш муддати узайтирилганда уларга ҳисобланган фоизлар кўринишидаги харажатлар;

солиқ тўловлари билан боғлиқ бошқа харажатлар.

Юқорида келтирилган солиқлар бўйича харажатлар таркибини аниқ шакллантириб олганимиздан кейин, солиқлар таҳлилини такомиллаштириш мақсадида таҳлилни қуйидаги йўналишларда амалга оширилишини ишлаб чиқдик (1-расм):




**1-расм. Солиқлар таҳлилининг асосий йўналишлари[1].**

Ушбу расмда солиқлар таҳлилининг асосий йўналишлари келтирилган бўлиб, бу асосда таҳлилий амалларни бажариш бизда солиқланиш жараёнлари бўйича тўғри бошқарув қарорларини қабул қилишга асос бўлиб, аниқ натижаларга эришишга замин яратади.

Хўжалик юритувчи субъектларда солиқ тўловларини таҳлил қилиш маълум кетма-кетликка асосланган ҳолда ўтказилса, таҳлилнинг натижадорлиги ва бошқарув учун фойдали ахборотларни шакллантиришга эришиш мумкин, деб ҳисоблаймиз. Шу боисдан, солиқ тўловлари таҳлилини қуйидаги босқичларда ўтказишни таклиф этамиз (2-расм):

[1]Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.




**2-расм. Солиқ тўловларини таҳлил қилиш босқичлари[2].**

Хулоса қилиб, юқорида келтирилган солиқлар бўйича харажатларни шакллантириб, солиқлар таҳлилининг асосий йўналишлари бўйича солиқлар таҳлили босқичлари асосида хўжалик юритувчи субъектларда солиқлар таҳлили амалга оширилса, албатта солиқлар бўйича тўғри бошқарув қарорлари қабул қилинишига асос бўлиб, келажакда корхонанинг солиқланиш жараёни оптималлашиб, фаолият давомийлиги ҳамда уни самарали ривожланишига хизмат қилади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Pardaev M.K. Iqtisodiy tahlil nazariyasi. Darslik. – T.: “Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi” DUK, 2021. – 588 b.
2. Bozarboyevich, A. A. (2022). Improving income tax analysis methodology in business entities. International journal of economic perspectives, 16(10), 61-67.
3. Abdullayev, A. B., & Ochilov, O. I. (2021). A new approach to the methodology of tax analysis. Asian Journal of Research in Business Economics and Management, 11(9), 19-25.
4. Yuldashevna, R. U. (2022). Monitoring of Credit Risks as Financial Resources In Commercial Banks. *International journal of trends in business administration*, *12*(1).
5. Rozmatova Umida Yuldashevna. (2024). NOMODDIY AKTIVLAR AUDITINI TAKOMILLASHTIRISH. World Scientific Research Journal, 26(3), 177–184. Retrieved from http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3261
6. Rozmatova Umida Yuldashevna. (2023). IQTISODIYOTNI RIVOJLANISH ISTIQBOLLARIDA AXBOROT KOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARINING AHAMIYATI . *World Scientific Research Journal*, *16*(1), 20–22. Retrieved from http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2693
7. Чориев И.Х. (2023). Молиявий ҳисоботлардаги хатоликларни аниқлашда таҳлилий амаллардан фойдаланишнинг услубий жиҳатлари. *Scientific Journal of “International Finance & Accounting*, Issue 1, February 2023.
8. Чориев И.Х. (2023). Молиявий инвестициялар ҳисобини такомиллаштириш. *Scientific Journal of “International Finance & Accounting*, Issue 2, April 2023.

[2]Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

9. Klichev, B.P., Choriev, I. X. (2021). The Issues Of Business Activity Organization In Uzbekistan. Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry (TOJQI).Volume 12, Issue 7, July 2021: 4587-4593.- URL:https://www.tojqi.net/index.php/journal/article/view/4494

10. Choriev I.X. Auditorlik faoliyatida tahliliy amallarni takomillashtirish. Iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi avtoreferati. – Toshkent:, «Iqtisod-moliya»nashriyoti, 2021, - 21-26 b.

11. Юлдашев, Ж. А. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МИЖОЗЛАР БИЛАН МУНОСАБАТЛАР ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШ УСУЛИНИ ТАКОМИЛАШТИРИШ.

12. Qlichev Baxtiyor Pardayevich. (2024). Xo'jalik yurituvchi subyektlarda CVP-tahlilni tashkil etishning muammoli jihatlari. YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT, 4 (2024), 754–759

13. Қличев, Б. (2022). KPI ТИЗИМИ АСОСИДА МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ ТАҲЛИЛИ. *Архив научных исследований*, *2*(1). извлечено от https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1343

14. Klichev Bakhtiyar Pardayevich. (2024). Problematic Aspects of Organizing Cvp-Analysis in the Enterprises of Uzbekistan // Web of Scientist: International Scientific Research Journal, 5(5), 241–248. Retrieved from https://wos.academiascience.org/index.php/wos/article/view/4906

15. Qlichev Baxtiyor Pardayevich. (2024). Korxonalarda operatsion faoliyat samaradorligini tahlil qilish masalalari. *World Scientific Research Journal*, *26*(3), 86–94. Retrieved from http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3251

16. Косимович, Я. У. (2024). Ташқи савдо фаолиятида мақбул ечимни топиш масалаларини таҳлили. World scientific research journal, 26(2), 199-205.

17. Tulaev, M. (2024). Moliyaviy hisobot konsepsiyalari. *Nordic_Press*, *2*(0002).

18. ҚЛИЧЕВ, . Б. П. (2022). ИШБИЛАРМОНЛИК ФАОЛЛИГИ ТАҲЛИЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ. *Архив научных исследований*, *2*(1). извлечено от https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/373

*19. Кличев, Б. (2023). Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми таҳлилини такомиллаштириш масалалари. Направления развития благоприятной бизнес-среды в условиях цифровизации экономики, 1(01), 170–173.* https://doi.org/10.47689/TSUE2022-pp170-173

20. *Qlichev, B. (2024). Korxonalar faoliyatini rivojlantirishda operatsion faoliyat tahlilining zarurligi. Mintaqani ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning ustuvor yo'nalishlari, Konferensiya to'plami. Termiz, O'zbekiston. 15-iyun 2024-yil.* https://doi.org/10.5281/zenodo.11909171

*21.* Yakypbaevich, I. J. ., Abrarovich, Y. J. ., Akhtamovich, H. S. ., & Bekmurodova. (2023). COMMERCIAL BANKING, CREDIT OPERATIONS, PROVISION OF COLLATERAL, ASSESSMENT MECHANISMS. *FAN, TA'LIM, MADANIYAT VA INNOVATSIYA JURNALI | JOURNAL OF SCIENCE, EDUCATION, CULTURE AND INNOVATION*, *2*(4), 6–13. Retrieved from https://mudarrisziyo.uz/index.php/innovatsiya/article/view/251

22. *Қличев Бахтиёр Пардаевич, (2023). Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми таҳлилини такомиллаштириш масалалари. Issues of improving the analysis of the volume of production at enterprises. ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ,13(7), 42–49. Retrieved from* http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2782

23. Abdullayev, A., & Djamalov, H. (2023). ORGANIZATIONAL STRUCTURE OF THE INTERNAL CONTROL SERVICE FOR THE FULFILLMENT OF TAX OBLIGATIONS OF ENTERPRISES. *Scientific and Technical Journal of Namangan Institute of Engineering and Technology*, *8*(4), 297-307.

24. Худоёров О.О. (2023). Банк тизимини рақамлаштириш шароитида рақамли банк технологияларини жорий қилиш . ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ, 13(7), 99–107. Retrieved from http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2788

25. Xudoyorov, O. O. (2023). Bank daromadlarini oshirishda masofaviy bank xizmatlarini tutgan o ‘rni.

26. Odilovich, K. O. (2024). IMPACT OF REMOTE BANKING SERVICES ON BANK INCOME. *International Journal of Education, Social Science & Humanities*, *12*(6), 82-86.

27. Klichev, B.P., Tulaev, M.S. (2021). Issues of development of the analysis of business activity in joint-stock companies of Uzbekistan. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. ISSN: 2249-7137 Vol. 11, Issue 11, November 2021, 584-591. https://doi.org/10.5958/2249-7137.2021.02539.8

28. Majidov, J. K. (2019). Ways of improving management of credit portfolio at commercial banks. *International Journal of Research in Social Sciences*, *9*(3), 725-736.

29. Мажидов Ж. (2024). Тижорат банклари активлар портфелларининг сифатини ошириш бўйича хориж тажрибаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари. (2024). *Ustozlar Uchun*, *1*(4), 1463-1467. https://pedagoglar.org/index.php/02/article/view/3878